O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ислом КАРИМОВ:

РАҲБАР ОДАМ БОШҚАЛАРГА НИСБАТАН УЗОҚРОҚНИ КЎРИШИ КЕРАК. У НАФАҚАТ БУГУННИ, БАЛКИ ЭРТАНГИ КУННИ АНИҚ ТАСАВВУР ЭТИБ ИШЛАШИ, КЕЛАЖАКНИНГ ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАШИ ЗАРУР.

O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ
2 МАРТ,
ПАЙШАНБА

№ 27 (25.577).

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

«ЭКОСАН» ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК ЖАМҒАРМАСИНИНГ МУРОЖААТИ

Орол денгизининг қуриб бораётганлиги Марказий Осиё минтақасида ва ундан олис жойларда мураккаб экологик вазият вужудга келганлигининг асосий омилларидан бири бўлиб қолмоқда.

Оролга қўшимча ҳажмда сув келиб тушишини таъминлаш Оролбўйи минтақасидаги аҳволни барқарорлаштириш йўлларидан бири ҳисобланади.

Айни вақтда Сирдарёдан Оролга сув келиб тушаётганлиги туфайли гайритабиий вазият вужудга келди. Бундай вазият кейинги 7 йил мобайнида вегитация оралиғидаги даврларда Тўқтағул сув омборидан Сирдарёга сувини келишилмаган тарзда кўп миқдорда ташланиши оқибатида юзага келди. Сирдарёнинг қуйи оқимида унинг ўзани ёмон ҳолатда эканлиги ташланган кўп миқдордаги сув ўтказилишини таъминлай олмаяпти. Натижада Арнасой пастлигига қўшимча ғоят катта миқдорда (24 куб.км. дан кўпроқ) сув келиб тушди, оқибатда Сирдарё, Жиззах ва Навоий вилоятларидаги каттагина ҳудудларни сув босиб кетди. Бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг Арнасой кўллари атрофида экологик жиҳатдан танг ҳолатдаги жуда кенг минтақа ҳосил бўлди.

«Экосан» жамғармаси мана шу вазиятни эътиборга олиб ўтказган халқаро учрашувда Орол денгизига қўшимча сув келиб тушишини таъминлаш муаммосини ечишга кўмаклашувчи минтақавий омил сифатида Арнасой кўлларининг гидрометеорологик режимини меъёрлаштириш нуқтаи назаридан Орол ва Оролбўйи муаммолари муҳокама қилинди.

Учрашувда жамоат ташкилотларининг вакиллари, бир қанча хорижий давлатларнинг элчилари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг бошлиқлари, сув муаммолари бўйича илмий тадқиқот ва лойиҳа институтларининг, олий ўқув юртларининг раҳбарлари, матбуот вакиллари иштирок этдилар.

Учрашув қатнашчилари Арнасой кўлларининг гидрометеорологик режими билан боғлиқ Сирдарё ҳавзасида юзага келган вазиятни таҳлил этдилар.

Арнасой Ўзбекистон Республикасининг энг катта кўл системаси ҳисобланади. Бу кўллар ҳаддан ташқари серсув келган 1969 йилда Чордара сув омборидан сувни чиқариб юбориш натижасида ҳосил бўлган эди. Кўл системасининг сатҳи 2000 кв.км.га етди.

Кейинги 10 йил мобайнида кўллардаги сув сатҳи пасайиб, кўллар сувининг сифати ёмонлашиб борди. 1993 йилда Чордара сув омборидан яна сув чиқарила бошланиши Айдар ва Тузкон кўллари орасидаги дамба ва сув ташланадиган иншоотнинг вайрон бўлишига, Шарқий Арнасой кўллари орқали ўтган автомобиль кўпригининг бузилишига, қудуқлар, қўшарлар, автомобиль йўллари, балиқ овловчиларнинг шийпонлари, яйловлар ва экин майдонларининг сув босишига олиб келди.

2000 йилнинг февралида сув сатҳининг умумий кўтарилиши 1993 йилнинг январига нисбатан 7,6 метрни ташкил қилди. Шу билан бирга 2000 йилнинг қишида янгидан сув босган майдон 118 кв.км. ни ташкил этди.

Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, Чордара сув омборидан сув чиқариб юборилаётганлиги кўлларнинг режимига асосий таъсир қилмоқда.

Йилига 3,0 куб. км. ҳажмда сув чиқариб юборилиши сув сатҳининг камида 0,5 метр кўтарилишига ва қўшимча равишда 200 кв.км. га қадар майдоннинг сув босишига олиб келади.

Сирдарё ҳавзасида ягона бошқариладиган тузилма сифатида сув хўжалиги тизимини шакллантириш 60-йилларда бошланган ва 80-йилларнинг охирларига келиб уни вужудга келтириш асосан ниҳоясига етказилган эди. Шу давр мобайнида ҳавзада Қирғизистондаги Тўқтағул, Тожикистондаги Қайроққум, Қозоғистондаги Чордара, Ўзбекистондаги Чорвоқ ва Андижон каби катта-катта сув омборлари ҳамда яна 25 та бошқа сув омбори барпо этилди. Уларнинг жами фойдали ҳажми 28 куб. км.ни ташкил этади, бу эса Сирдарё ва унинг ирмоқлари сув оқимининг 94 фоизини кафолатли тарзда бошқариш имконини беради.

Бу ерда айни шу вақт ичида жуда кўп миқдордаги сув тақсимлаш гидроузеллари ва ғоят хилма-хил аҳамиятдаги бошқа гидротехника иншоотлари, насос станциялари, магистрал каналлар, муҳандислик суғориш системалари қурилди ва 1988 йилга келиб барча сув омборлари лойиҳадаги тўла ҳажмда сувга тўлдирилиб, Сирдарё ҳавзасида унинг сув заҳиралари керакли режимда тақсимланишини ишончли тарзда бошқариш учун техник шарт-шароитлар яратилди.

Икки ва ундан кўпроқ давлат ҳудудидан оқиб ўтадиган бирон бир дарёнинг сув заҳираларидан биргаликда фойдаланиш бутун дунёда тегишли давлатлараро битимлар билан тартибга солинади, бу битимлар одатда ҳавзаларга оид, узоқ муддатли бўлиб, сувга доир халқаро ҳуқуқнинг қуйидаги тамойилларига асосланади:

- сув заҳираларини оқилона ва ўзаро келишган ҳолда тақсимлаш;
- уларнинг тақсимланишини мувофиқлаштирилган тарзда бошқариш;
- «зиён-заҳмат етказма» деган тамойил, яъни бир давлатнинг хатти-ҳаракатлари бошқа давлатга зарар келтирмаслиги лозим;
- ҳар бир давлатнинг сув заҳираларидаги ўз улушидан ўзи хоҳлаган тарзда фойдаланишдан иборат суверен ҳуқуқи.

Шу мақсадда Марказий Осиё минтақасида Давлатлараро Мувофиқлаштирувчи Сув хўжалиги Комиссияси тузилган. 1992 йилнинг февралида Алмати шаҳрида унинг таъсисчилари (Марказий Осиёдаги беш давлат сув хўжалиги идораларининг раҳбарлари) «Давлатлараро манбаларнинг сув заҳираларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни биргаликда бошқариш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим»ни имзоладилар. Аммо ўтмиш йилларнинг ҳавзали сув хўжалиги схемаларидан иборат тамойиллар асос қилиб олинган мазкур комиссиянинг фаолияти ҳозирги замон талабларига жавоб бермаяпти.

Бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари мустақилликни қўлга киритганлиги, яъни жўғрофий-сиёсий шарт-шароитлар, суғориладиган ерлардан фойдаланиш тузилмаси, Орол танглиги ва бошқа ўзгаришлар туфайли гидроэнергетика ҳамда экологиянинг замонавий талаблари асосида биргаликдаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш зарур.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда, Халқаро «ЭКОСАН» жамғармаси қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайди:

1. Чордара сув омборидан Сирдарёга сув чиқаришни тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўриш ва Оролга қўшимча ҳажмда сув келиб тушишини таъминлаш учун унинг сув ўтказиш имкониятини кўпайтириш бўйича зарур ишларни амалга ошириш тўғрисида Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ва Парламентига мурожаат қилиш.

2. Умуман Сирдарё ҳавзасида ва Арнасой кўллари минтақасида экосистемани сақлаб қолиш учун Тўқтағул сув омборидан чегараланган ҳажмда сув чиқарилишини таъминловчи Тўқтағул ГЭСининг энергетика режимини барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирлар кўриш тўғрисида Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ва Парламентига мурожаат қилиш.

3. Халқаро дарёлар (Сирдарё ва Амударё) заҳираларидан биргаликда фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича узоқ муддатли ва халқаро сув хўжалиги ҳуқуқига мувофиқ равишда давлатлараро битимни ишлаб чиқиш ва тузишни Марказий Осиё давлатларининг Ҳукуматларига тавсия этиш.

■ *Халқаро «ЭКОСАН» жамғармаси*

Тошкент шаҳри,
2000 йил 28 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Т.С.Бўтаёровни Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Турдиқул Сувонович Бўтаёров Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти *И.КАРИМОВ*

Тошкент шаҳри,
2000 йил 1 март



Дунёни гулларга кўмажак бугун — Тинчликни кўтарган оқсоқол ўзбек.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

БАҲОРГА ЕТГАНЛАР ОМОН БЎЛСИНЛАР

Куртаклар кулгусин сочади баҳор,
Кўнгиллар кўзини очади баҳор,
Қишнинг белбоғини ечади баҳор,
Баҳорга етганлар омон бўлсинлар.

Орзиққан дилларнинг оразидек хуш,
Ғунчалар жилмаяр, булбуллар беҳуш,
Соғинчларни сочиб турналар сарҳуш,
Баҳорга етганлар омон бўлсинлар.

Шафтоли гулласа уялган қиздай,
Лолалар латифдир ул анор юздай,
Ай гулим, дунёда ошиқ йўқ биздай,
Баҳорга етганлар омон бўлсинлар.

Булутлар ортидан мўралаган ой,
Баҳорни соғинган, бирам ёқимтой,
Қайтган қалдирғочлар айвонга чирой,
Баҳорга етганлар омон бўлсинлар.

Баҳор, бемор кутган малҳамдай ширин,
Баҳор, севдим деган алҳамдай ширин,
Маҳмудга қай фасл кўкламдай ширин,
Баҳорга етганлар омон бўлсинлар.

■ Маҳмуд ТОИРОВ

ЙИЛ ОЙ КУН

МУАММО ЖОЙИДА ҲАЛ ҚИЛИНАДИ

Жиззах вилоятининг барча туманларида шаҳсан вилоят ҳокими иштирокида давлат ва нодавлат органлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда барча фермерлар иштирокида очиқ мулоқот бўлиб ўтмоқда. Арнасой туманида бўлган йиғинда вилоят ҳокими Шавкат Мирзиёев шундай деди:

— Сизларни қийнаётган ҳар қандай муаммони жойида ҳал қиламиз. Ёнилғи, ем ва бошқа фондлардан фойдаланишни, шартномаларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаймиз. Агар бирор муаммо жойида ҳал этилмаса менинг телефонимни ёзиб олинг, истаган пайти шахсан менга қўнғироқ қилиб, ечимини топишингиз мумкин.

ПРОКУРОР ДАРСИ

Касби туманидаги ўрта ва касб ҳунар мактабларида прокурор дарси йўлга қўйилди.

Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг тарбиясига жиддий эътибор бериш мақсадида ташкил этилаётган мазкур машғулотларда Ўзбекистон Республикасининг қонунлар мажмуаси қарор ва кўрсатмалар ҳамда мамлакат Президентининг Фармонларини ёшларга етказиш, уларнинг қалбида Ватанга, мустақиллик ғояларига садоқат туйғусини сингдириш мақсад қилиб олинган.

Дастлабки машғулот тумандаги касб-ҳунар коллежида ўтказилди.

■ Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

52

Республикамизда ана шунча туманда қўшма корхона йўқ. Қорақалпоғистон Республикасидаги 15 та қишлоқ туманнинг 11тасида қўшма корхона тузилмаган.

Сирдарё вилоятида — 8 та, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида 5 тадан, Сурхондарёда 4 та туманга ҳали чет эл капитали мутлақо кириб бормаган.

БОШБЕКАТМИ, ОШБЕКАТ?

Одатда Ватан остонаси аэропорт, вокзал ёки бошбекатдан бошланади. Юртимизга қадам ранжида қилаётганлар ҳам дастлаб шу жойларга назар ташлайди. Шундай экан, остона озода, чиройли, саранжом-саришта бўлмоғи лозим. Аммо... Узун тумани бошбекатида бўлганимизда антиқа, ҳолнинг гувоҳи бўлдик. Дастлаб кўзларимизга ишонмадик. Балки, ростданам ош кўп тайёрласа ошбекатдир, деган хаёлга ҳам бордик. Афсуски, ундай эмас экан. Яқинроқ бориб кўргач, фикримиз ойдинлашди. «Бошбекат»нинг дастлабки ҳарфи учиб кетиб ошбекатга айланган экан.

■ Абдумалик ҲАЙДАРОВ

ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРДИ

«Урганчсут» ҳиссадорлик жамияти вилоят хўжаликларида чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш камайган бир вазиятда ҳам янги имкониятлар излаш ва маҳсулотлар сони, сифатини оширишга интилмоқда. Ўтган йил охирида фаранг тадбиркорлари билан ҳамкорликда қурилган «ЭДЕМ» линияси шу изланишлар самараси. Эндиликда янги линия ишга туширилиши билан маҳсулотларнинг сифати бир қадар ўнгланди.

Айни дамда парҳезбоп маҳсулотлар тайёрлаш линияси қурилиши ҳам қизғин олиб бориляпти.

■ Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

БЕМОРЛАР ОШИГА «ШЕРИК»ЛАР

ёки Самарқанд вилояти сил касалликлари 2- сон шифохонасида давлат бюджети маблағи мақсадсиз ўзлаштирилганлиги хусусида

ҚОРА ҚИЛМИШ

Бу шифохонада беморлар узоқ вақт даволанади. Шифохона давлат бюджети маблағи билан ўз вақтида таъминлаб турилади. Маблағ эса давлат ва халқники. Бюджет маблағи режа асосида ўз ўрнида, ўз вақтида кўзда тутилган мақсадлар учун ишлатилиши шарт ва зарурдир.

Самарқанд вилояти сил касалликлари 2- шифохонасида бундай бўлмади. Аниқроқ гапирадиган бўлсак, шифохона бош ҳисобчиси Ўктам Жиянов беморлар ошига чанг солди, чўнтагини тўлдиришни, бойишни ўйлади. Шаҳардаги «Геката» фирмаси раҳбарлари билан ҳуфёна тил бириктириб, қалбаки ва сохта ҳужжатлар тўплади. Ҳатто, керакли ўринларда янги бош шифокор имзосини ясади. Бюджетдан шифохонага ажратилган маблағдан 346 минг 400 сўмни ўтган йилнинг 21 июль куни фирманинг ҳисоб рақамига ўтказди. Сохта ҳужжатлар асосида шифохонани таъмирлаш мақсадида ўтказилган маблағ ҳақиқий ўз ўрнида ишлатилмади. Балки, чўнтакларни тўлдирди. Маблағ фирмага эмас, балки махсус қурилиш ташкилотига таъмирлаш учун ўтказилишини бош ҳисобчи яхши биларди. Кўзига жарақ-жарақ пул кўринди. Кўнгли тезда бойиш ва бел оғритмай пул топишни истаб қолди.

«Геката» фирмаси (раҳбари Олег Макаров) билан келишиб, сохта ва қалбаки ҳужжатларни ҳамда кўзланган мақсадга ишлатилмаган маблағни ҳазм қилишга улгуришмади. Сиёб туман давлат солиқ инспекцияси ва назорат тафтиш бошқармаси ходимлари бу ғаразли мақсадни ниҳоясига етмасдан аниқлашди. Жиноий ишга вилоят ички ишлар бошқармаси коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш бошқармаси ходимлари нуқта қўйди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Сохта ва қалбаки ҳужжатларни Самарқанд шаҳридаги «Ўзсавдогарбанк» (Т. Орипов) ва «Тадбиркорбанк» (А. Гадоев) масъул ходимлари қандай расмийлаштирдилар? Улар йўл қўйган хато-камчиликларига қандай жавоб беришаркан?! Ёки бўлмаса, банк ходимлари билан бош ҳисобчи ўртасида келишув бўлдимикан? Оз эмас, давлатнинг шунча маблағи ўзлаштирилган, барчаси силлиқ бажарилган. Уларга халқ ҳалақит берадиган, нима қилаяпсан дейдиган кимса на вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида, на банкда бўлган. Ҳисоб-китобни пул кўчириш йўли орқали амалга оширган ва қабул қилиб олиб, даста-даста нақд пул қилиб санаб берган «Геката» фирмаси раҳбарлари-чи?! Фирма давлат ва халқ маблағини кўкка совурмасдан ўз мақсади йўлида ҳалол ва беминнат хизмат қилиши, ишлаши керак-ку! Нима бўлганда ҳам Ўктам Жиянов ва унинг шериклари, ҳамтовоқлари ўз қилмиш-қидирмишлари учун қонун олдида жавоб беришади. Жиноятларига яраша жазо олишади. Ўзлаштирилган маблағ ўз ўрнига қайтарилади. Бюджет маблағини «туя» қилмоқчи бўлганлар жуда катта хато қиладилар.

«Қиғир иш қирқ йилдан кейин ҳам чиқади», «Кўза кунда эмас, кунида синади». Доно халқимиз бу нақлларни бежиз айтмаган. Оғир дардга чалинган беморлар ҳаққига хиёнат қилишдан қўрқмаган бу кимсалардан ҳазар қилиш керак.

■ Ҳасан ҒУЛОМОВ,
молия вазирлигининг Самарқанд вилоятидаги назорат-тафтиш бошқармаси назоратчиси
Эркин САЛОҲИДДИНОВ,
Сиёб туман давлат солиқ инспекциясининг назорат бўлими тафтишчиси

ПАРТИЯ ВА ҲАЁТ

БУЮК ФАҚИҲ ХОТИРАСИНИ ЭЪЗОЗЛАБ

Буюк олим, машҳур фақиҳ Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг ҳижрий 910 йиллигини нишонлаш ҳақидаги республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марғилон шаҳар Кенгашининг шаҳар аҳлига мурожаати қабул қилинди.

Юбилейни ўтказиш шаҳар жамғармаси ташкил этилди, шаҳарда умумхалқ шанбалиги ўтказилиб, шу куни тушган иш ҳақини ана шу жамғарма фондига ўтказишга қарор қилди. «Бу маблағ, — деди у, — мени аллома юбилейига қўшган камтарона ҳиссам бўлади». Жамғармага маблағ тушиши давом этяпти.

■ **Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ — МУҲИМ МАСАЛА

Ўзбекистон ХДП Каттақўрғон шаҳар кенгаши, «Камолот» жамғармаси бўлими ҳамда хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликда 7-касб-ҳунар мактабида ўтказилган «Огоҳликка даъват — давр талаби» мавзуидаги мулоқотда Каттақўрғондаги ўрта маҳсус ўқув юртлари, касб-ҳунар мактаблари, лицейлар, коллежларнинг талабалари иштирок этди. Мулоқотда республикамиздаги барқарорлик, ҳурликни қадрлаш, айрим йигит ва қизларнинг «Ҳизбут-таҳрир», «Ҳизбуллоҳ» сингари турли диний оқимларга кириб қолиш сабаблари атрофлича таҳлил этилди. Энг муҳими, ҳар бир ёш она-замин олдидаги ўз бурчларини юрак-юрагига сингдириши лозимлиги уқтирилди. «Бизнинг вазифамиз диний ниқоб остида ўзининг ғаразли мақсадларидан тоймаётган ақидапараст ва экстремистларнинг ҳақиқий башарасини элга кўрсатиб беришдан ва ёшларни бу хатарли йўлдан ўз вақтида қайтаришдан иборат», — дейишди улар.

Мулоқот пировардида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар. Бундай тадбирларни йил бўйи ёшлар ўқиётган барча муассасаларда ўтказиб бориш режалаштирилди.

■ **Каримжон СОАТОВ**

«ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТЛАР»

Пойтахтнинг Сирғали туманида ўтказилган семинар кенгаш «Президент Фармонлари: имтиёз ва имкониятлар» мавзуига бағишланди, деб хабар қилади **мухбиримиз Абдуғани Мамасодиқов.**

Йиғилиш молия иқтисодиёт коллежида уюштирилди. Тўпланганлар Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг ижроси мавзуларига бағишланган чиқишларини тингладилар. Фармон ва қарорлар ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида туман назорат инспекцияси раҳбари, ҳоким ўринбосари Шавкат Бобожоновнинг маърузаси кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Шунингдек, «Файз» холдинг компанияси раис ўринбосари А. Саранцев, коллеж раҳбари У. Иноятов ва бошқалар ўз мулоҳазалари билан йиғилганлар эътиборини тортишди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ШАРЖА САФАРИ

Бир гуруҳ ўзбек журналистлари сафарда бўлишди. Улар «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг 2000 йил бўсағасидаги ижодий танлови ғолиблари эди. Сафар Бирлашган Араб Амирликларининг Шаржа халқаро аэропортидан бошланди. Дарвоқе, бу аэропорт хизматидан жаҳондаги элликдан ортиқ авиакомпаниялар фойдаланар экан: «Люфтганза», «Аэрофлот», «Бритиш эйрвейс»... Улар орасида мустақиллигимиз қанотлари — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳам бор. Ўзбек учувчилари ҳафтада икки марта Тошкент-Шаржа-Тошкент йўналиши бўйича энг замонавий «А-310» ва «Боинг-757» кемаларида парвозларни амалга оширмоқдалар. Шунингдек, бизнинг «АН-12» ва «ИЛ-76» юк ташиш кемаларимиз ҳам бу ерда тез-тез бўлади.

Бирлашган Араб Амирликлари ҳақида икки оғиз. Арабистон ярим оролининг шарқий қисмида, Форс ва Уммон қўлтиқларининг соҳилларида жойлашган. У етти амирликни — Абу-Даби, Дубай, Шаржа, Рас-аль-Хайм, Фужайра, Ажман, Умм аль-Қувайнни ўз ичига олади. 1971 йилнинг 2 декабрида федератив шартнома имзоланганидан сўнг жаҳон ҳаритасида янги давлат Бирлашган Араб Амирликлари пайдо бўлган...

Мамлакат 200 оролдан иборат. Тоғликлар, чўлу биёбонлар, жаннати боғлар, ложувард денгизга хос бетакрор манзаралар уйғунлашиб кетган. 1958 йилда БАА нинг энг катта амирлиги Абу-Дабида нефть топилгач, бойлик ва фаровонлик бўйича жаҳонда олдинги мавқега чиқиб олди. Айтгандай, БААда ҳозир йилига салкам 2,5 млн. баррель қора олтин олинмоқда. Бундан тушадиган миллиардлар саҳроларни бўстонга айлантиришга, шаҳарлар қиёфасини ўзгартиришга, энг замонавий технологиялар ва коммуникация шаҳобчаларини ривожлантиришга имкон бераётир. Амирликлар заминига қадам қўйган ҳар бир киши диққат-эътиборини Шарқ ва Ғарб меъморчилиги анъаналари ҳамоҳанглиги ўзига жалб этади.

Бирлашган Араб Амирликларидаги олтита халқаро аэропорт ва ўн бешта денгиз портларининг рисоладагидек ишлаши туфайли бу ерга жаҳоннинг исталган бурчагидан исталган моллар келтирилмоқда. Юк ташиш хизмати ҳам яхши йўлга қўйилган. Исталган омборни мақбул нархларда ижарага олиш мумкин. Бу эса сайёҳларни ҳам, тижоратчиларни ҳам ўзига оҳанграбодек тортмоқда.

Боз устига эркин иқтисодий зоналарда (Шаржа аэропорти зонаси, Жебейль Али зонаси ва бошқалар) тадбиркорлар учун мақбул шарт-шароитлар яратилган.

Шаржа Амирлиги фуқаро авиацияси департаменти раиси шайх Абдулла бин Муҳаммад ат-Тани жаноблари ўзбек журналистлари билан учрашув чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларига юксак баҳо берди.

— Ўзбекистон, ҳусусан, миллий авиакомпаниянгиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатилганидан беҳад мамнунмиз. Ўтган йиллар мобайнида ўзаро алоқалар юксак босқичга кўтарилди, десам муболаға бўлмайди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси катта муваффақиятларга эришди. Айниқса, самолётлар паркининг Ғарбда ишлаб чиқарилган техника билан бойитилганлиги Ўзбекистонда фуқаро авиацияси бўлган эътибор нақадар юксаклигидан далолатдир. Буни йўловчи ва юк ташиш ҳажми ошганлигида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, юк ташувчилар орасида энг яхши компания номига «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг сазовор бўлганлиги ҳам бежиз эмас, албатта. Миллий авиакомпаниянинг Шаржадаги вакили Шуҳрат Аҳмедовнинг тиним билмай меҳнат қилаётганлигини алоҳида тилга олишни истардим. Фурсатдан фойдаланиб ўзбек халқига самимий ҳурматим ва эзгу ниятларимни билдираман.

Дарҳақиқат, Шаржадаги аэропортда Ўзбекистондан келган ҳаво кемаларини жуда яхши билишади ва ҳурмат билан қарашади. Сабаби оддий —ўзбек учувчиларининг касб маҳорати, замонавий кемалардаги жаҳон талаблари даражасидаги хизмат кўрсатиш ва зиммаларидаги мажбуриятларини тўлатўкис ҳамда вақтида бажаришидир.

■ **Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири.**

Тошкент — Шаржа — Тошкент.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган сурат.**

Каттақўрғонлик Нарзулло кулолнинг ўғли Файзулло кулол ота касбини 55 йилдан буён эъзозлаб келмоқда.

У турли хил тандирлар ва бошқа кулолчилик буюмларини ясайди. Биргина тандирнинг 3 хилини тайёрлайди: 1. Ширмони тандир — 150 та нон ёпилади. 2. Нонвой тандир — 30 та нонга мўлжалланган. 3. Рўзғор тандир — 15 та нон ёпилади.

Файзулло бобонинг ота-боболаридан мерос қолган касбини фарзанд ва набиралари Рустамжон, Набижон Файзуллаевлар ҳамда 30 яқин шогирдлари ривожлантиришмоқда.

Суратда: Файзулло бобо Нарзуллаев набираси Набижонга кулолчилик сир-асрорларини ўргатмоқда.

СОЛИҚ ТИЗИМИДА НИМА ГАП?

ҚАРЗИ ЙЎҚНИНГ КЎНГЛИ ТЎҚ

Агар дўстингдан, қариндош-уруғларингдан, қўшнингдан қолаверса, давлатдан қарзинг бўлмаса кўнглинг тўқ бўлиб, тинч яшайсан. Бордию қарзинг бўлса-чи? Қарзни тўлаб қутулгунча кўнглинг доимо нотинч, уйқунгда ҳаловат бўлмайди. Қарз киши елкасини оғир юк каби босиб туради. Бинобарин, ундан тезроқ қутилиш кўнгилга ором бағишлайди.

Юртимизда йиллик, ялпи даромад тўғрисидаги декларацияни тўлдириш иши бошлаб юборилди. Меҳнаткашлар ҳозир ўзлари яшаб турган жойлардаги солиқ идораларига келиб, ўтган йил давомида ишлаб топган йиллик даромадларини сарҳисоб қилган ҳолда декларация тўлдирмоқдалар.

Шу муносабат билан биз Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси жисмоний шахсларни солиққа тортиш департаментининг бўлим бошлиғи Н. Муҳиддиновага мурожаат этиб, йиллик ялпи даромад солиғи ҳақида суҳбатлашдик.

— Насиба Худойберганов-на, йиллик ялпи даромад тўғрисидаги декларацияни кимлар тақдим этади?

Ўтган йил мобайнида асосий иш жойидан ташқари қўшимча даромад олган фуқароларнинг барча тоифалари, тадбиркорлик фаолияти билан банд бўлган шахслар, шунингдек, асосий иш жойига эга бўлмаган ва йил давомида бошқа даромадлар олган фуқаролар тақдим этадилар.

Йиллик ялпи даромад тўғрисидаги декларация жисмоний шахснинг доимий яшаш жойидаги солиқ органига 2000 йилнинг 1 апрелидан кечиктирмаган ҳолда тақдим этилади.

— Кимлар бундан озод қилинади?

— Фақат асосий иш жойидан йил давомида даромадлар олувчи жисмоний шахсларгина декларация топширишдан озод этиладилар.

— Доимий иш жойига эга бўлмаган шахслар ҳам бор. Улар декларация тўлдирадими?

— Ҳа, доимий иш жойи бўлмаган шахслар ҳам декларация тўлдирадилар, солиқ тўлиқ йиллик шкала бўйича ҳисоб-китоб қилиниши сабабли бир йил ичида олган даромадларини ҳисоб-китоб қилиб, тўлиқ бир йил учун солиқ тўлайдилар.

— Йиллик ялпи даромад таркибига нималар кириши тўғрисида қисқача сўзлаб беришингизни истардик.

— Жисмоний шахсларнинг ялпи йиллик даромадлари таркибига солиқ тўловчи томонидан олиниши лозим бўлган ёки бошқа хил маблағлар киритилади.

Хусусан унга:

— меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинган даромадлар;

— мол-мулкка оид даромад (мол-мулкларни ижарага беришдан олинган фойдалар, дивидендлар бўйича даромадлар);

— тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар;

— солиқ солинадиган бошқа даромадлар.

— Чет эл фуқаролари ҳам солиқ тўлайдими?

— Бўлмасам-чи, албатта тўлайди. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 62-моддасига мувофиқ даромадлар тўғрисидаги декларацияни топширишлари мажбурий ҳисобланувчи жисмоний шахслар жумласига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида молия йилида бошланадиган ёки тугайдиган ўн икки ойгача бўлган исталган давр мобайнида 183 ва ундан қўпроқ кунлар мобайнида истиқомат қилган чет эл фуқаролари (шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар) кирадилар. Яшаш далили мамлакатга келиш-кетиш маълумотлари асосида белгиланади.

Солиққа тортиш чоғида пул Ўзбекистон Республикаси валютасида ёки хорижий валюта кўринишида ва натура шаклида, шу жумладан, текинга олинган товар-моддий бойликлар ва хизматлардан моддий манфаатдорлик кўринишида олинган ялпи даромад ҳисобига олинади.

Резидент ҳисобланган хорижий жисмоний шахсларнинг даромадлари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 55-моддасига мувофиқ белгиланган ставкалар асосида даромад солиғига тортилиши лозим.

Норезидент жисмоний шахслар томонидан (меҳнат шартномаси бўйича ёлланма ишчилар сифатида ишларни бажарганлик учун олинган даромадлардан ташқари) Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлардан солиқ, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ва ўзаро ҳамжиҳатлик тамойиллари асосида қабул қилинадиган қарорларда бошқа ҳолатлар кўзда тутилмаган бўлса, 20 фоизлик ставка бўйича тўлов манбаидан ушланади.

— Солиқни тўлаш хусусида солиқ органларига хабар қилинадими?

— Жисмоний шахсларга асосий бўлмаган иш жойидан тўланган барча даромадлар ва ушланган солиқ суммалари ҳақида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўзлари жойлашган ердаги солиқ органларига хабар берадилар.

Ўзбекистон Республикасида даромадлар олувчи чет эллик жисмоний шахслар томонидан олинган даромадлар тўғрисидаги декларацияни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1998 йил 11 июндаги 444-сон «Жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага биноан белгиланган тартибда тақдим этадилар. Жорий йилда олиниши мўлжалланаётган даромадлар тўғрисидаги декларацияни чет эллик жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасига келган кундан бошлаб, ҳисобот йили учун узил-кесил декларацияни — келгуси йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай топширади.

— Фуқаролар орасида даромади ҳақида декларация топширмаслик, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари учраб турадими?

— Ҳа, бундай ҳолатлар рўй бериши мумкин. Лекин бундай ҳолда ким кимни алдайди, ўйлаб кўриш лозим. Агар фуқаро даромади ҳақида декларация тақдим этмаса, у ҳолда бундай ҳаракатга даромадни яшириш деб қаралади ва тегишли чора кўрилади.

Масалани ойдинлаштириб айтадиган бўлсак, даромади тўғрисида декларация бермаганлиги учун бундай шахсларга нисбатан молиявий жарима қўлланилади, яширилган даромад ва шу миқдорда молиявий жарима ундирилади. Бундай ноҳуш ҳолатга тушмаслик учун ҳар бир фуқаро ўз виждони амрига қулоқ тутгани маъқул.

■ **Суҳбатдош: Фарҳод РАСУЛОВ**

ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН БМТГА АЪЗО БЎЛГАНИГА 8 ЙИЛ ТЎЛДИ

1992 йилнинг 2 мартида Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тўла ҳуқуқли халқаро субъект сифатида аъзо бўлиб кириши мамлакатимиз ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлган эди.

Бундан ярим аср муқаддам, жаҳон узра кучли антифашист ва демократик юксалиш шабадаси эсган даврда ташкил топган БМТ бугунги кунда дунёдаги энг йирик ва нуфузли ташкилотга айланди. Ер юзида тинчлик ва барқарорликни сақлаш, умумбашарий муаммоларни биргаликда ҳал этиш, мамлакатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш мазкур ташкилотнинг устувор вазифасидир. Шунингдек, ижтимоий-сиёсий тараққиётга кўмак бериш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сингари инсонпарварлик ғоялари ҳам БМТ фаолиятининг доимий диққат марказида туради.

Бугунги кунда жаҳоннинг 188 мамлакати БМТга аъзо.

1993 йилнинг январида Тошкентда БМТнинг минтақавий ваколатхонаси очилди. Ўз навбатида, бу ташкилотнинг Нью-Йорк шаҳридаги штаб-квартирасида мамлакатимизнинг доимий ваколатхонаси фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шуниси эътиборга лойиқки, БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонаси бу ташкилотнинг барча таркибий бўлинмаларини ўзида мужассам этган. Ташкилотнинг ихтисослаштирилган муассасалари сирасига БМТнинг Тараққиёт дастури, Қочоқлар бўйича БМТнинг олий мухтор комиссари, Болалар жамғармаси, Саноат тараққиёти дастури, Наркотик моддалар назорати дастури, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқлар аҳолиси жамғармаси киради.

Республикамизнинг БМТ билан ҳамкорлиги тобора кенгайиб бормоқда ва у ҳозирда иқтисод, ижтимоий соҳа, соғлиқни сақлаш, маданиятни қайта тиклаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, хавфсизлик ва бошқа соҳаларни қамраб олган.

1993 йилнинг 28 сентябрида Мустақил Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессияси минбари орқали илк бор халқаро ҳамжамиятга мурожаат этиб, Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли ҳудуд деб эълон қилиш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида муҳим ташаббусларни илгари сурди. Ўзбекистон раҳбари минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш Афғонистондаги уруш ҳаракатларига бевосита боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаб, бу мамлакатда уруш барҳам топмас экан, бутун Марказий Осиё минтақаси тинчлиги ва барқарорлигига жиддий таҳдид сақланиб қолишини уқтирди.

Ўзбекистон Президенти илгари сурган ташаббуслар 1997 йилда БМТ ҳомийлигида «6+2» деб номланган Афғонистон «қўшнилари ва дўстлари» гуруҳи ташкил этилишига асос бўлди. Бугунги кунда мазкур гуруҳ Афғонистон можаросини ҳал қилишнинг ягона амалий механизми бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқаро ҳамжамият Ўзбекистон ташаббуси билан 1999 йилнинг июлида бўлиб ўтган «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашувига юксак баҳо берди. Унинг натижалари Афғонистонда узил-кесил тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш жараёнининг бошланишига умид туғдирмоқда.

БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Ўзбекистон Президенти яна бир муҳим масала — минтақадаги барча давлатларни ташвишга солаётган ва ушбу мамлакатлар халқлари ҳаётига хавф туғдираётган Орол муаммосига жаҳон афкор оммаси эътиборини қаратди. Ўзбекистон раҳбари таъкидлаганидек, бу муаммо нафақат Марказий Осиёга, балки бутун курраи заминга жиддий хавф туғдираётир. Мамлакатимиз Президентининг ташаббуслари халқаро ҳамжамият томонидан муносиб баҳоланди. БМТ таркибида фаолият кўрсатаётган турли халқаро муассасалар вакиллари мамлакатимизга ташриф буюриб, Оролбўйидаги аҳвол билан яқиндан танишдилар.

Ўзбекистон Республикасининг БМТга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг 1995 йилнинг мартида Копенгагенда бўлиб ўтган учрашувидаги иштироки ҳам долзарб аҳамиятга молик воқеа бўлди. Мазкур анжуман муҳим умумбашарий муаммо — инсониятнинг ижтимоий тараққиётига бағишланган эди. Унда Ўзбекистон ижтимоий тараққиёт муаммоларини ҳал этишнинг республикамизда амалга оширилаётган моделини тақдим этди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1995 йилнинг октябридаги 50-юбилей сессиясида Ўзбекистон делегацияси жаҳон ҳамжамияти эътиборини Марказий Осиё муаммоларини яна бир бор қаратиб, БМТ Хавфсизлик Кенгашини Афғонистонга нисбатан қурол эмбаргосини жорий этишга даъват қилди ҳамда бу ва бошқа умумбашарий муаммоларни ҳал этиш мақсадида БМТ Бош котиби ваколатларини кенгайтириш заруратини таъкидлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги ҳамкорлик бошқа соҳалар, жумладан, ижтимоий соҳани ривожлантириш ва бошқарувни такомиллаштириш борасида ҳам ривожланиб бормоқда. Бироқ, Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги муносабатлар ҳақида сўз юритилганда, аввало, минтақавий хавфсизлик масалаларига эътиборни қаратиш ўринлидир. Зотан, фақат тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурган жамиятдагина жиддий ислоҳотлар ва узоқ муддатли лойиҳаларни амалга ошириш мумкиндир. Ўз навбатида минтақавий хавфсизлик бутун дунёда тинчликни ўрнатишда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон БМТ доирасида ўтказиладиган тадбирлардаги ўз иштирокини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувнинг, мазкур ташкилотнинг тузилмалари ва институтларининг эътиборини мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришларга қаратишнинг самарали воситаси деб билади. Бу ҳамкорлик мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар изчиллигини, Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим гаровидир.

Ўзбекистон билан БМТ ўртасида ҳамкорлик тобора ривожланмоқда ва ўз самарасини бермоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, дунё қитъалари, давлатлари ва халқларини ўзида бирлаштирган БМТ билан бизнинг ўзаро саъй-ҳаракатларимиз тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий юксалишга эришишга имкон яратади.

■ **Саодат НОРҚЎЗИЕВА, «Жаҳон» АА**

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БЎЛИМИ 2000 ЙИЛДА ҚУРИЛАДИГАН ИНШООТЛАР УЧУН КЕРАКЛИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА ЖИҲОЗЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШГА ПУДРАТ САВДОЛАРИ (ТЕНДЕР) ТАШКИЛ ҚИЛАДИ. ПУДРАТ САВДОЛАРИДА МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР БАРЧА ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР, ФИРМАЛАР ВА ҚЎШМА КОРХОНАЛАР ҚАТНАШИШИ МУМКИН.

Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз сўралади:
Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 45-уй. Тел.: 25-25-61. Факс: 22-27-74

Материал ва ускуналар номи	Русуми	Ўлчов бирлиги	Миқдори
Аппарат пароварочный	АПЭ-023-01	к-т	2
Ванна моеч. для 1-отд.	ВМ 1-1СН	дона	4
Ванна моечн. стацион.	ВМСМ-1	дона	93
Ванна моечн. на 1-отд. со стен. чаш.	ВМ-1а	дона	1
Ванна моечная на 1-отд.	ВМ2-1СМ	дона	4
Ванна моечная на 2-отд.	ВМ-2СМ	дона	3
Ванна передв. для промывки	ВПГ-СМ	дона	1
Весы бытовые	ВБ-150	дона	5
Весы товарные	РП-500	дона	1
Водонагреватель 9,6 кВт	НЭ-18	к-т	1
Камера холодильн. сборно-разб.	КХС-2-6Ю	к-т	7
Картофелечистка	МОК-250	к-т	4
Картофелечистка	МОК-28	к-т	1
Картофелечистка	МОК-50	к-т	2
Кипятильник электрич.	КНЭ-100 М	к-т	9
Контейнер передвижной	КП-300х01	к-т	8
Котел пищевар.	КПЭ-160	к-т	4
Котел пищевар. электрич.	КПЭ-100-1	к-т	5
Котел пищевар. электрич.	КПЭСМ-60	к-т	2
Котел пищеварочный	КПЭ-250-1	к-т	3
Ларь	3-06-01-01	дона	12
Ларь для овощей	ЛО-2	дона	5
Линия раздачи комплекса обедов	ППСГ	к-т	1
Линия самообслуживания	ЛС-А	к-т	1
Линия самообслуживания	ЛС-Г	к-т	5
Линия самообслуживания	ЛПС	к-т	1
Маш. для приг. карт.пьюре	МКП-60	к-т	1
Машина картофелечист.	МОК-250	к-т	7
Машина контрольно-кассовая	ОКА	к-т	7
Машина контрольно-кассовая	Самсунг	к-т	2
Машина кухонная	М-21764	к-т	6
Машина кухонная	Н2(764)	к-т	1
Машина овощерезка	МРООФ-200	к-т	4
Машина тестомесит	ТММ-1М	к-т	6
Машина универ. для резки овощ.	МГО400-1000	к-т	1
Машина универсальная	МУ-2	к-т	8
Машина универсальная	ПМ-2	к-т	1
Машина хлеборез. 0,5 кВт	МХР-200	к-т	8
Мясорубка	МИМ-250	к-т	1
Мясорубка механич.	М-2	к-т	1
Плита электр. секц. модулир.	ПЭСМ-2Ж	к-т	1
Плита электр. секц. модулир.	ПЭСМ-4	к-т	3
Плита электр. 1,2 кВт	ПЭ-051-01 м	к-т	16
Плита электрич.	ПЭ-017-01 м	к-т	5
Поддон. колесный		дона	1
Прилавок для столовых приб.	ЛПС-6	к-т	3
Прилавок для тележек с выж. уст.	ЛПС-22	к-т	2
Прилавок для холод. закусок	ЛПС-2	к-т	2
Прилавок мармит	ЛПС-3	к-т	1
Прилавок мармит для 1-блюд	ЛПС-11	к-т	2
Прилавок мармит для 2-блюд	ЛПС-17	к-т	1
Прилавок мармит для тележек	ЛПС-20	к-т	1
Секция стол сохл. шкафом	ПХСВ-1-025	к-т	1
Сковорода электрич. вентотсос.	СЭ-045-01	дона	8
Сковорода электрическая	СЭ-022-01	дона	2
Стеллаж производст. передв.	1450х585х1860	дона	10
Стеллаж универсальный	3-02-03-06	дона	27
Стол для дочистки картофеля	СПК	дона	4
Стол под хлеборезку	ТЛ-1	дона	3
Стол произв. с моечн. ванной	СПМ-1500	дона	3
Стол производственный	СП-1050К	дона	18
Стол производственный	СП-1200	дона	117
Стол производственный	СП-1470	дона	9
Стол со в строи. моеч. ванной	СНВСН	дона	4
Стол-шкаф для хлеба	СХШ	дона	2
Стул для разрубки мяса	СР-2	дона	2
Стул жесткий		дона	489
Универ.привод для мяс-рыб цеха	ПМ-1,1	к-т	3
Универ. привод. общего наз-я	ПУ-06	к-т	1
Универс. привод	МУ-1000	к-т	1
Универсальный привод	П2-4	к-т	3
Устр-во варочное электрич.	УЭВ-60	к-т	26

Материал ва ускуналар номи	Русуми	Ўлчов бирлиги	Миқдори
Холодильник бытовой	«СИНО»	дона	3
Холодильник Э; Ф; Ш	КЖ-240	дона	8
Шкаф для белья	ШБ-2	дона	6
Шкаф для одежды	ШО-2	дона	13
Шкаф для посуды	3-01-12-06	дона	15
Шкаф для спецодежды	ПТ-1	дона	31
Шкаф для хлеба	3-01-11-04	дона	3
Шкаф для хлеба	ШХ-1, ШХ-2	дона	3
Шкаф для хоз. инвентаря	3-01-12-01	дона	6
Шкаф жарочн. электрич.	ШЖЭ-085-01	к-т	10
Шкаф жарочн. Модулир. секционн.	ШХЭСМ-2	к-т	2
Шкаф жарочный 24 кВт	ИЖ-051-01	к-т	4
Шкаф пекарный 15,6 кВт зонт.	ШПЭСМ-3	к-т	6
Шкаф подвесной для посуды	ШПП	к-т	4
Шкаф холодильн.	ШХ-04	к-т	9
Шкаф холодильн.	ШХ-08Ю	к-т	11
Шкаф холодильный	ШХ-06-М2	к-т	6
Шкаф холодильный	ШХ-07Ю	к-т	1
Шкаф холодильный	ШХ-12С	к-т	5
Шкаф холодильный	ШХ-04-М1	к-т	3
АППВ-380	2х2,5 мм	км	166,7
АППВ-380	3х2,5 мм	км	122,7
АППВ-380	2х4 мм	км	9,97
АППВ-380	3х4 мм	км	15,6
АПВ-380	2,5 мм	км	164,9
АПВ-380	4,0 мм	км	33,6
АПВ-380	6,0 мм	км	23,0
АПВ-380	10 мм	км	24,2
АПВ-380	16 мм	км	14,3
АПВ-380	35 мм	км	22,8
АПВ-380	25 мм	км	13,8
АПВ-380	70 мм	км	1,2
АПВ-380	120 мм	км	0,8
АВВГ-660	2х2,5 мм	км	17
АВВГ-660	4х2,5 мм	км	17
АВВГ-660	4х4,0 мм	км	3
АВВГ-660	3х6+1х4	км	3
АВВГ-660	3х2,5	км	6
АВВГ-660	2х4,0	км	17
АВВГ-660	3х4,0	км	15
АВВГ-660	3х10+1х6	км	15
АВВГ-660	3х15+1х10	км	10,5
АВВГ-660	3х25+1х16	км	16,9
АВВГ-660	3х35+1х10	км	10
АВВГ-660	3х50+1х25	км	16
АВВГ-660	3х70+1х35	км	8
АВВГ-660	3х120+1х70	км	3
АВВГ-1000	3х120+1х70	км	4,9
АВВГ-1000	3х95+1х50	км	10
АВВГ-1000	3х70+1х35	км	8,9
АВВГ-1000	3х6+1х4	км	2,2
АВВГ-1000	3х185+1х95	км	0,4
АВВГ-1000	АС-35	тн	8,7
АВВГ-1000	АСБ-3х95-10	км	12
Кабель слабых токов	Провод связи	км	65,9
Кабель слабых токов	РК	км	6,2
Кабель слабых токов	ПРППМ 2х09	км	19,6
Кабель слабых токов	ТПП 10х2х04	км	20
Труба ст. d=15		пм	33913
Труба ст. d=20		пм	28866
Труба ст. d=25		пм	14367
Труба ст. d=32		пм	12271
Труба ст. d=38		пм	90
Труба ст. d=40		пм	9502
Труба ст. d=48		пм	250
Труба ст. d=50-57		пм	13019
Труба ст. d=67-76		пм	4372
Труба ст. d=80		пм	230
Труба ст. d=89		пм	6996
Труба ст. d=100		пм	3298
Труба ст. d=108		пм	4370
Труба ст. d=110		пм	195
Труба ст. d=114		пм	1410
Труба ст. d=125		пм	1460
Труба ст. d=133		пм	560
Труба ст. d=150		пм	720
Труба ст. d=159		пм	1638
Труба ст. d=200		пм	75
Труба ст. d=219		пм	78
Труба п/э d=10		пм	120
Труба п/э d=20-25		пм	1334
Труба п/э d=32		пм	7365
Труба п/э d=40		пм	100
Труба п/э d=50		пм	17700
Труба п/э d=60		пм	1195
Труба п/э d=63		пм	650
Труба п/э d=90		пм	515
Труба п/э d=100		пм	1239
Труба п/э d=110		пм	2161
Труба п/э d=225		пм	150
Труба п/э ПВД 16		пм	40
Труба чк 50		пм	5346
Труба чк 100		пм	6667
Труба чк 150		пм	135
Труба чк 200		пм	10
Трубы а/ц d=100		пм	1434
Трубы а/ц d=150		пм	2450
Трубы а/ц d=400		пм	640

Материал ва ускуналар номи	Русуми	Ўлчов бирлиги	Миқдори
Трубы а/ц d=500		пм	10
Труба керамич. d=50		пм	35
Труба керамич. d=100		пм	57
Труба керамич. d=150		пм	2565
Потолок «Армстронг»		м2	4622,1
«Ликсан»		м2	562
Водоэмульсионная краска		кг	122540
Высококачест. обои		м2	4040
Глазурованная плитка		м2	10883
Дощатые		м3	886
Италгранит		м2	1826
Керамическая плитка		м2	29192
Линолеум		м2	37215
Масляная краска		кг	24220
Мраморные плиты		м2	253
Травертин		м2	45
Декорат. бетонныеплиты для цоколя		м2	5530
Керамич. плиты для облицовки цоколя		м2	301,6
Декопласт		м2	61344
Раковина стальная эмалированная со смесителем и сифоном		комп	250
То же с краном		комп	128
Умывальник фаянсовый со смесителем и сифоном кронштейном		комп	840
То же с краником		комп	272
Унитаз фаянсовый с прямым выпуском и винтелем		комп	508
Поддон душевой со смесителям		комп	142
Чаша с бачком и сифоном		дона	168
Трап чугунный с косым выпуском d=50		комп	250
Трап чугунный с косым выпуском d=100		комп	56
Кран водоразборный		дона	1500
Кран поливочный		дона	70
Мойка стальная эмалированная с сифоном и кронштейном		комп	84
Смеситель для ванной с душевой сеткой на гибком шланге		комп	44
Запорная арматура		к-т	5695
Насосы		к-т	103
Вентиляторы		к-т	245
Калориферы		к-т	54
Шкафы и пункты распеределительные		к-т	419
Магнитопускатели, кнопки, пакеты, выключатели		дона	236
Кнопки управления		дона	95
Ящики управления		к-т	209
Светильники люминисцентные		дона	11905
Светильники накаливания		дона	9692
Светильники шар		дона	170
Светильник РКУ		дона	85
Массовое оборудование электроизоляторы		к-т	21511
Оборудования радиотелефонное		к-т	7751
КИП автоматика		к-т	198
Электроизмерительные приборы		к-т	300
Лабораторное оборудование		к-т	269
Охранно-пожарная сигнализация		к-т	5476
Лингафонный кабинет стол уч. с аппарат. 12		к-т	86
Дверные блоки	БСП 22-9	дона	8
Дверные блоки	ДГ 21-10	дона	83
Дверные блоки	ДГ 21-10 л	дона	55
Дверные блоки	ДГ 21-12	дона	2
Дверные блоки	ДГ21-13	дона	51
Дверные блоки	ДГ 21-7	дона	242
Дверные блоки	ДГ 21-9	дона	442
Дверные блоки	ДГ 21-9л	дона	135
Дверные блоки	ДГ 24-10	дона	203
Дверные блоки	ДГ 24-10л	дона	120
Дверные блоки	ДГ 24-12	дона	13
Дверные блоки	ДГ 24-15	дона	264
Дверные блоки	ДН21-10ЩР2П	дона	12
Дверные блоки	ДН21-15 АЩР2П	дона	4
Дверные блоки	ДН24-15АЩР2	дона	32
Дверные блоки	ДГ24-15 АЩР2П	дона	14
Дверные блоки	ДН 24-19ЩР2П	дона	3
Дверные блоки	ДО24-15	дона	53
Оконные блоки	от 06х09 до 21х18	дона	1779
Витражи алюминиевые	(2,4х2,1)-(11,54 х4,5)	дона	356

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Фаррух ҲАМРОЕВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи
Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 182

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 20.00
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ШОДМОНОЙ ОПАНИНГ ШОДОН КУНЛАРИ

Аёл — она, фарзандлар меҳрибони, хонадон бекаси. Гўзаллик, садоқат тимсоли, умримиз умиди. Улар борки, бағримиз бутун, боримиз баракали.

Шаҳрихонлик Шодмоной опа Мирзаеванинг шижоатли меҳнати кўпларга ибрат. У Шаҳрихон шаҳрининг обод бўлиши учун бошчилик қилди. Жамоа хўжалиги раиса сифатида деҳқонлар билан диллашди. Элга суяниб камлик кўрмади.

Меҳнат фахрийси бўлса ҳам ёшларга хос ғайрат-шижоат унга ҳамроҳ. Кўпчиликнинг қаторида, маҳалланинг маслаҳатгўйи. Қишлоқ кўчасида келинлар билан кўришганида уларни бир-бир бағрига босиб мақтайди.

— Хонадонни сариштa, кўчани кўркам қилганлар кам бўлмайди. Кўчани супурган келин ойдек бўлади.

Шодмоной опа Бахтиёржон, Асадилло, Зиёдилло, Нигорахон, Гулчеҳрахон, Ҳулкарой сингари ўғил-қизу келинларнинг, Мадинабону, Муроджон каби набираларнинг онахони. Мадинабонуга алла айтишни ўргатиб, Муроджонга эртаклар сўзлайди.

Шодмоной опанинг хонадонига кирсангиз кутубхона дейсиз. Ёзув столида юртбошининг янги асарию, Абдулла Қодирийнинг «Ўттан кунлар»и, Оразийнинг аъшорига хатчўп қўйилгани опанинг китоб кўришидан дарак.

— Ҳар дам ўқиб, ўрганишимиз керак, — дейди Шодмоной опа кўнглимиздан кечган ўйни пайқагандек. Юртимиздаги янгиланиш каттакичикни ҳаётга ҳамқадам бўлишни талаб этяпти.

Ҳар бир инсон халқ учун ҳаракат қилса, қуйинчаклик кўрсатса эл ўртасида эъзоз топади. Оилада меҳрибон она, набираларнинг суюкли бувиси, шогирдларга меҳрибон устоз, одамларга елкадош инсон Шодмоной опа Мирзаева ҳамиша эзгу ишларни бажаришга ошиқади. Аёлларнинг жамиятдаги ўзига хос ўрни борлигини амалда намоён этмоқда.

— Бу йилни юртбошимиз «Соғлом авлод йили» деб эълон қилганидан жуда хурсандман, — дейди Шодмоной опа.

Кўпчиликка қайишиш Шодмоной опа Мирзаевага хос хислат. Юртдошларини шод, мамнун кўрса, шунинг ўзи опа учун бахт.

■ Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

КАЙФИЯТ

ИШҚИЛИБ...

Биринчи ҳодиса: Одатдагидек эрталаб ўқишга бориш учун кўчага чиқдим. Бекатда анча тургандан сўнг автобус келди. Ҳар кунгидек автобус тиқилинч. Биз чиқишимиз билан ҳайдовчининг: «Ҳой, нега турибсанлар, ўртасига ўтинглар», — деб заҳархандалик билан айтган сўзлари эшитилиб қолди. Буни қарангки, автобуснинг ўртаси ҳам одамга тўла бўлишига қарамай, ҳайдовчи бақирарди.

Иккинчи ҳодиса: Бозорга тушганингизда кўплаб ёш йигит-қизларнинг савдо қилаётганликларига гувоҳ бўласиз. Агар харидор сифатида бирор нарсанинг нархини сўраб, сўнгра харид қилмасангиз фарзандингиз қатори ўсмир — «Олмасангиз нима қиласиз, сўраб?! Бекорга мени савдодан қолдирдингиз» — деган гапларини эшитиб тилингизни тишлаб қоласиз.

Во ажабо эрталаб, яхши кайфиятда уйидан чиққан турли касб эгалари, кўнгил ойнасини чил-чил синдирган ҳайдовчи, бозорда кўрслик қилган савдогар муомала маданиятини билишмайдими, деган савол туғилади. Балки, билиб туриб амал қилишмас. Эрталабки кайфият эса кун давомида сизга ҳамроҳлик қилади. Ишқилиб, сизга мурожаат қилган кимсага сиз ҳам кўрслик билан жавоб бермасангиз бўлгани.

■ Ҳусниддин БЕРДИЕВ

БУ САФСАТА ЭМАС

РУҲИЯТ ТИЛСИМИ

Йигирманчи аср тугаб, йигирма биринчи асрга қадам қўйилаётганда инсон психикаси билан боғлиқ бўлган башоратчилик, телепатия, телекинез, парапсихология, психография, НУЖ ва бошқа ҳодисалару ҳолатлар хаёлийликдан воқелик даражасига ўтди. Уларни энди аниқ воқелик демоқдамиз. Воқелик бўлганда ҳам илмий асосланган ва амалий тажрибаларда тасдиқланган воқеликдир.

Донғи чиққан башоратчилар баъзи бир одамларнинг, мамлакат ва давлатларнинг келажагини олдиндан айтиб бераётганининг кўпчилигимиз гувоҳи бўлганмиз. Масалан, Гитлернинг учинчи рейхи қайси йили ва қайси кунда барбод бўлишини Иккинчи жаҳон урушининг арафасидаёқ ёш Вольф Мессинг аниқ айтиб берган. Буни башоратчи, худди газета саҳифасидаги ахборотни ўқигандек айтиб берган.

Ёдингизда бўлса, бундан бир неча йил муқаддам «Викинг» деб номланган АҚШ космик кемаси томонидан суратга олинган Марсдаги бир ҳудуднинг тасвири матбуотда эълон қилинган эди. Шов-шувга сабаб бўлган бу тасвирнинг энг нозик ери... унда одам юзининг тасвири суратга олинган эди.

Узоқ сайёрадаги, кенглиги уч километрча бўлган бундай геологик топилмани «Марслик Сфинкс» деб аташди. Бунга ишонмаган кўпчилик олимлар шошилиб, «бу сурат соя ва нурнинг алмашувидан келиб чиққан уйдирма», дейишди. Аммо фотосуратни ҳар томонлама синчиклаб ўрганиб чиққан бостонлик мутахассис М. Карлотто фотографиядаги тасвирни топографик аниқлик деб баҳолади. Сўнгра, москвалик Николай Егоров ҳам ўз фикри билан ерликларни ёқа ушлатди. У чоп этилган суратни газета саҳифасидан қирқиб олиб, унинг остига оқ қоғоз билан копирка қўйибди. Кейин ўзига бегона бўлган қандайдир бир истак билан, пастаси аллақачон қуриб қолган шарикли ручка билан суратнинг устидан юрита бошлабди.

Унинг айтишича, ручкани Николай фақат ушлаб турган, холос, ручканинг ўзи эса унинг қўлини сурат устида олиб юрган. Кейин Николай суратга қараб оғзи очилиб қолган. Чунки оқ қоғоздаги Николай кўчириб олган сурат нусхасида космик кемада олинган суратда йўқ бўлган баъзи бир нарсалар чизилган эди. Булар, Сфинкснинг «қўли», қўниб турган НУЖ, қандайдир нишон тасвирлари... Қизиғи шундаки, Николай Егоровга яна қайтадан чиздиришса, натижа бир хил чиқаверган.

Мутахассисларнинг фикрича, Николай Егоров билан бўлган бу воқеа олимларга кўпдан бери маълум «автоматик хат» деб аталар экан. Психотропия бўйича жаҳон уюшмасининг аъзоси В. М. Иванова эса инсон томонидан беихтиёрий равишда маънили ахборотни четдан бундай усул билан қабул қилиб олишни психография деб атади.

В. Багранов деган психограф бундай ҳолатни қуйидагича баён этади: «Гўёки сен томондан бунёд этилган нарсага алоқадор эмаслигингнинг ажойиб ҳолати. Худди кимдир қулоғингга айтгандай, қандайдир бир қувват томирларингдан кўпириб, ташқарига чиқишни истар эди».

Ёки ҳинд ёзувчиси Р.К. Найрайанинг айтишича, психограф оқ қоғоз устида қаламни фақат тутиб турар, қалам эса тезлик билан хат битар эди. Шундай «сеанслар»нинг бирида, ярим соатда 2400 та сўз ёзилган экан.

Ф. Шавьер деган бразилиялик эса ўзи бошланғич маълумотгагина эга бўла туриб, «автомат» усулида 200 дан ортиқ китоб ёзган, уларнинг кўп қисми шеърлар ва фалсафий проза жанрида экан. Шуниси, қизиқки, у ёзган китобларнинг кўпчилиги Шавьерга мутлақо нотаниш бўлган чет эл тилларида ёзилган.

Бундай ҳолатларнинг ажабланарли ери шундаки, бундай китобларнинг муаллифлари кўпинча ўз асарларини ижод қилишга на қобилияти, на истеъдоди ва на билими бўлган.

Бир газетада чоп этилган «Феномен Марины» мақоласида бошқирдистонлик бир қиз «ахборот тўлқини»га уланиб олиб, «фалакка» йўлланган барча саволларга жавоб бера олиши хабар қилинади. Шоҳидларнинг айтишича, саволингиз ҳали оғзингиздан чиқмасданоқ қиз жавоб қайтарарканки, гўё «у ерда» инсон фикрини телепатик усулда кимдир ўқиб тургандек.

Телепатик алоқа эса анчадан бери маълум ва ҳамон жавобсиз қолиб келаётган муаммолардан биридир. Масалан, шундай қизиқ бир тарихий факт бўлиб ўтган. Наполеон Бонапарт ўзининг олий вакили сифатида Миср ерларида қолдирган генералини турк мамлуклари асир олиб қатл қилишганида Наполеон бу пайт Москвада, қатл еридан минглаб чақирим нарида бўлишига қарамай, қатлни шундайгина кўз ўнгида кўради. Унга француз генералларининг шаънига алёр айтиб шампан ичишни таклиф қилишганда, у тўсатдан қадаҳни жойига қўяди ва: «Йўқ, алёр айта олмайман! Чунки бу дақиқаларда аллақаерда менинг энг яхши генералим ўлдирилди!» дейди у маъюс. Яъни, телепатик алоқа амалда бордир!

Бундай мисол кўп, улар ҳақида эшитгансиз, ўқигансиз. Масалан, денгиз бўйида дам олиб, офтобда танини тоблаб ётган ёш жувоннинг кўзига, минглаб километр нарида, онасининг қўлида қолган ўғилчасининг сувга чўкаётгани бирдан намоён бўлади. Аёлнинг кўз олдида дунё қоронғулашади. Ҳамма нарсани ташлаб, наридан-бери отланиб, уйига шошилади. Келиб билса ҳақиқатдан ҳам ўша, унинг кўзига аён бўлган дамда ўғилчаси сувга чўкаёзган экан, аммо худонинг қудрати билан бундай фалокатдан омон қолган.

Бир-биридан жуда узоқ масофада яшаётган эгизакларнинг бир пайтда, бир хил касаллик билан оғришлари, бир хил туш кўриб, бир хил фикр юритишларини қандай тушунтирса бўлади?

Балким бизнинг ота-боболаримиз ва улардан ҳам олдинги авлодлар бизнинг ерга вақт машиналарида келиб, соддадил ерликларни ўз араваларига солиб нафақат осмонда ва ҳатто вақт бўйлаб ҳам сайр қилдириб юришгандир?! Масалан, биринчи минг йилликда ёзилган Непал йилномасида қуйидаги ахборот ёзилган: «Льюй ўз хизматкори билан тоғлар орасида ўлмас шифобахш моддалар излаб юрганида бирдан қаршисида учта одам пайдо бўлиб қолади.

Улар Льюйга қараб:

— Биз Улуғ софлик деган сайёраданмиз. Биз ўлмас фазоликлармиз. Агар сен бизга эргашсанг — ўлмаслик сирларини сенга аён қиламиз», дейишибди. Льюй улар билан бирга кетади. Улар Льюйга сеҳрлаш сирларини ўргатадилар. Сўнгра Льюйни кузатаётиб унга айтишибди:

— Сен ҳурматли меҳмон, биз билан икки кун бўлдинг, аммо инсонлар оламида эса икки аср ўтиб кетди, — дейишибди...

Льюй юртига қайтса, ҳаммаёқ ўзгарган, уйи ҳаробага айланган. Ўғиллари-ю набираларидан ҳеч ким қолмаган.

Хўш, бундай ахборот Непал йилномасига қаердан келиб қолган?

Бу соҳада тахминий фикрлар жуда кўп. Масалан, сайёрадаги барча фикр юритувчи жонзотларни ўзаро таъсир қилувчи бир тизимда ҳаракатда деб қабул қилсак, унда юқоридаги ажойиботларни В.И. Вернадскийнинг ноосфераси орқали тушунтирса бўлади. Ернинг кристаллик таркибида тузилганлиги ғоясига суянсак, унда энергетик турлар қуввати орқали ахборотнинг шу сонда, исталган масофага етишига ёқа ушламай ишонамиз. Бу турнинг тугун ерларида тўғри чизиқ бўйлаб, қутб нурларини тарқатувчи энергетик импульслар пайдо бўлади.

Бундан ташқари, радар модели, деб номланган бир ҳолат бўлиб унда қабул қилувчи одам, ўзидан шундай нозик изловчи нур чиқарадики, бу нур фақат ахборот эгаси бўлган одамгагина таъсир қилиб, ўзаро алоқага кириши мумкин.

Қисқаси, ҳозирги замон фани шундай чегарага келиб қолганки, унинг нарёғи ғайритабиийдир. Биз билган фан бу янги билимларга интилишимиздаги бир босқич, бир трамплиндир.

■ Аъзам АЗИМОВ, профессор

ҲУШЁРХОНАДА «ТУНАГАН» ИТ

Кишинёвда итлар ҳам тунни ҳушёрхонада ўтказишар экан. Ўйламанг, «итлар ҳушёрхонаси»ям борми ёки итлар ҳам «кайф» қиладими, деб. Йўқ, уларнинг итлариям ичмайди, бизникиларга ўхшаб. Лекин хўжайини ичса, ити ҳам...

Қатор қаҳвахоналар жойлашган кўчадан ўтган Боря исмли «хўжайин» ҳар гал ити билан «ичади». У дўкондан «оқи»дан ичиб, бу дўкондан «қизилидан» газак қилиб, хўжайин гандираклаб қолди. Охири катта кўчада узала тушиб ётиб олди.

Полициячилар мастни машинага ортишди, ит ҳам уларга эргашди. Туни билан ҳушёрхона дарвозаси олдида ит хўжайинини кутиб ўтирди. Бу биринчи марта эмас-да, полициячи навбатчилар ҳар куни эҳтимолга қарши итга у-бу егулик олиб қўйишни унутишмайди. Ит 5-6 кун кўринмаса «Борикин» «кўринмай қолдими? дея хавотирга тушиб ҳам қўйишади. Яқин орада ҳушёрхонада Борикинга уйча қуриб қўйишса ҳам, ажабмас.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ҚАРИНДОШЛАРИМНИ ҚИДИРМОҚДАМАН

Мен Геннадий Тошходжаев, 1950 йилда Андижон вилояти Избоскан туманида туғилганман ва яшаганман. Миллатим уйғур. Шимолий Кавказдан рафиқам ва икки фарзандим билан Ўзбекистонга кўчиб келдим. Эндиликда Андижон вилоятида яшаб турган туғишган қариндош-уруғларимни изламоқдаман.

Отам Маҳмуд Илахунович Тошходжаев 1914 йилда туғилган, 50-йилларда оғир хасталиги туфайли Андижон вилоятидан Шимолий Кавказга кўчиб бориб, яшаб 1998 йилда вафот этган. Отамнинг Раҳим, Нурмуҳаммад исмли ака-укалари ҳамда Ойша исмли синглиси бор эди. Улар менинг амакиларим ва аммам бўлишади. Мен улар билан 1991 йилга қадар хат ёзишиб турардим. Кейинчалик алоқа бўлиниб қолган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 130-уй, 13-хонадон. Телефон: 50-21-77

Дилбар аёллар эътиборига!
Биринчи марта Ўзбекистонда «SOS-Болалар маҳалласи ўз ишини бошлаши муносабати билан қуйидаги талабларга жавоб берадиган аёллар таклиф этиладилар:
ЁШИ 35 ДАН ОШМАГАН, ТУРМУШ ҚУРМАГАН, БЕФАРЗАНД
Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 47-уй. «SOS-Ўзбекистон Болалар маҳаллалари» уюшмаси. Телефон: 136-22-01

РЎЁМИ — РИЁМИ?

ЭШМАТГА «ЯНГИ» КАЛЛА, ТОШМАТГА «ЯНГИ» ТАНА

Эзгулик йўлида, шафқатсизлик қилиш мумкинми? Шундай фикрлашнинг ўзиёқ кишида мавҳумроқ ҳис уйғотади, чоғи. Тиббиётда «шов-шув» дейиладиган айрим тадқиқотлардан, очиғи, этингиз бир сесканиб тушади.

«Кексайган кимса танасини алмаштириши мумкин». Билмадим, буни хушхабар дейиш керакми, шумхабар дейиш тўғрироқмикан? Шундай кашф қилинди. Америкадаги Кливленд университети шифохонасининг 73 ёшли профессори Роберт Уайт инсон тана аъзоларини «кўчириш» устида узоқ йиллик илмий изланишдан сўнг шундай хулосага келди.

«Мия жароҳати туфайли оламдан кўз юмган одамнинг танаси яна «яшаши» мумкин». Бир чеккаси профессор ҳақдай, ёш ҳалок бўлган одамнинг танасидан кексайган одам «фойдаланса» нимаси ёмон дейиш ҳам мумкиндир. Олимнинг таъкидлашича, бу операция бор-йўғи бир-бир ярим соат ичида, 1,4 миллион доллар эвазига уддаланар экан. Лекин тиббиётда «аср кашфи» дея аталган бу тажриба учун ҳеч ким мижоз бўлишни истаганича йўқ.

Роберт Уайт ўз тадқиқотини: «Кекса калла «янги, ёш танага» ёки эски тана «янги калла»га аста-секин кўникади», бунинг ҳеч қандай хавотирли ери йўқ. Ўйлаб кўринг-а, Стивин Хоукиннинг олтин бошини «бедаво дардли танаси» олиб кетади-да. Мен шундай «олтин» бошни бажонидил «сақлаб қолардим» дея изоҳлайди. Хотирангизда бўлса, америкалик олим ўз тадқиқотини 1973 йилдаёқ синаб кўрганди. Бош чаноғи шикастланган маймунга «янги» бош кўчирганда, жонивор 5 йил яшаганди. «Руҳини чирқиратма», дейишади марҳум ҳақида бирор ножўя гап айтган кишига. Одамзод жисмонан орамиздан кетади, руҳи барибир яшайверади-ку. Бундай «мижоз»лар жисмида қандай руҳ яшаркин? Эсласам, назаримда мени руҳим «бир силкитиб» қўяётгандай.

Нейрожарроҳ Роберт Уайт ўз кашфиётини амалиётга тадбиқ этиш устида тадқиқотидан кўра ўн чандон мушкул муаммога дуч келди. Олимнинг Рим папасига қилган мурожаатлари беҳуда кетди. Рим папаси бу тадқиқотни қатъиян қоралаб чиқди. «Тан аъзоси»ни алмаштириш учун «руҳ»дан сўраш керак! Марҳумнинг «танаси учун «руҳ» жавобгар!» дея нейрожарроҳ билан баҳслашди руҳоний. Жарроҳ эса: «Илмий нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, руҳ онгда, мияда «яшайди», тана алмаштирилса-да, руҳ қолади» деган даъво билан чиқяпти.

Ўйлаб қоласан, одамзод ўзи қурган иморатни ўзи бузади. Янгидан зўрини тузади. Осойишта турмуш қадрини топтаб, қатлиомлар қилади. Бири кимнингдир Оллоҳ берган ризқини, умрини қирқади. Бири эса яратган томонидан ўлчаб берган ризқини, умрини узайтириш учун шаккоклик қилади. Кимдир ҳатто урушдан омон қолиш учун танини музлатиб, тириклик учун интилади.

Кашф-ку кашфдир. Бироқ бу ҳолат Тошматга «янги» тана улаб, Эшматга «янги» калла қўйгандай, ғайриоддий гавдаланди.

Тиббий тараққиёт ҳам қайсидир маънода бирдан онгимизга «сингиб» кетмас. Назаримда, руҳияти пок инсон бундай ҳолатларни теран англаб етар балки...

■ Хорижий манбалар асосида Саида САЙХУН тайёрлади.

ХУСУСИЙ КЛИНИКАЛАР ДИҚҚАТИГА!
Илизаров аппарати (160 размерли)
СОТИЛАДИ
Тел.: 92-04-65 соат 17⁰⁰ дан кейин.

Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигининг 1999 йил 28 июндаги 608-қарори билан Давлат рўйхатига олинган ва Пўлатов Яхё Содиқович номига берилган хусусий тадбиркор №0909524 гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ